

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING  
64 – СОҢЛИ БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

28 июнь 2024 йил

**Тўлиқ номи:** “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти

**Қисқартирилган номи:** “InFinBank” АЖ

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

**Акциядорлар умумий йиғилиши тури:** Йиллик умумий йиғилиш

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:**

Тегшли материалларни Акциядорлик умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориш. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши Банк Кенгашининг 2024 йил 06 июньдаги 52 - сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси:** 2024 йил 28 июнь

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиш бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиш тугаган вақти: соат 17:00

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги Корпоратив ахборот ягона порталида ([openinfo.uz](http://openinfo.uz)) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ҳамда 2024 йил 06 июнь санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришнома юборилган.

**Умумий йиғилишда қатнашдилар:**

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
<b>Жисмоний шахслар:</b>		<b>508 656 334</b>	<b>79,66%</b>
Маматджанов Фарход Фахритдинович	ID карта AD 8888881, IV 36015 томонидан, 30.10.2023 йилда берилган.	485 613 675	70,88%
Абдусаматов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан 04.07.2015 йилда берилган.	23 042 659	3,60%
<b>Юридик шахслар:</b>		<b>129 909 382</b>	<b>20,34%</b>
“Prestij Rielt” МЧЖ	Директор – Юлдашев Илхам Рустамович (ID карта AD	78 344 995	12,27%

	5441644, ПV 26296 томонидан, 16.12.2023 йилда берилган).		
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадиров Абдурашид Абдуваситович (ID карта AD 2771974, ПV 26263 томонидан, 11.03.2023 йилда берилган).	51 564 387	8,07%
Ҳаммаси, шу жумладан		638 565 716	100,00%

2024 йил 24 июнь ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “InFinBank” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 638 565 716 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 638 565 716 тани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк акциядори ва Банк Кенгаши раиси **Маматджанов Фарход Фахритдинович** маълум қилдики, “InFinBank” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдаги йиллик Акциядорлар умумий йиғилиши ҳукуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк акциядори ҳамда Кенгаш раиси **Маматджанов Фарход Фахритдиновични**, йиғилиш Котиби этиб, **Рахматуллаева Лола Уткировна**ни, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Ильхам Рустамович** ва **Кадиров Абдурашид Абдуваситовични** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

<b>Йиғилиш Раиси:</b>	Банк Кенгаш Раиси <b>Маматджанов Фарход Фахритдинович</b>
<b>Йиғилиш Раёсати:</b>	Банк акциядорлари <b>Кадиров Абдурашид Абдуваситович</b> <b>Юлдашев Ильхам Рустамович</b>
<b>Йиғилиш Котиби:</b>	Корпоратив консултант <b>Рахматуллаева Лола Уткировна</b>
<b>Таклиф этилганлар:</b>	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

#### КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. Банк Кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш;
4. Банк Бошқарувининг Банкнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2024 йилги асосий вазифаларини тасдиқлаш;
5. Банкнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш;

6. Банк Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтиришни кўриб чиқиш;
7. Банкнинг 2024 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
8. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш;
9. Банк Акциядорларининг 2024 йил 05 мартдаги умумий йиғилиши кун тартибидаги 4 ва 5 масалалар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш;
10. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш;
11. Банкнинг ички низомини янги таҳрирда тасдиқлаш;
12. Банкнинг 2024 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

**1-масала. Банк Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига кўра, Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Шу сабабли, уч кишидан иборат Санок комиссиясининг таркибига қуйидаги номзодларни кўрсатиш таклиф этилаётганлиги маълум қилинди:**

1. Атамирзаев Жаҳонбек Махмуджонович;
2. Мусаев Хафиз Агзамович;
3. Алимов Баходир Аллабергенович.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*1. Санок комиссиясининг таркибига, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар, қуйидаги номзодлар тасдиқлансин.*

1. Атамирзаев Жаҳонбек Махмуджонович;
2. Мусаев Хафиз Агзамович;
3. Алимов Баходир Аллабергенович.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**2-масала. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:**

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 15 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 10 дақиқа.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

2. “InFinBank” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**3-масала.** Банк Кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш юзасидан Кузатов кенгаши аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Кун тартибига киритилган ушбу масала бўйича йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда Банк уставига кўра Банк кузатов кенгашининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатов кенгашининг ҳисоботларини эшитиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига киришини таъкидлаб ўтди. 2023 йил якунлари бўйича Банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капитали, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими олдида қўйилган устувор вазифаларнинг ижроси таъминланганлиги ҳақидаги Банк кенгашининг тегишли ҳисоботи йиғилиш қатнашчиларига ахборот учун тақдим этилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

3. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил фаолияти якуни бўйича Банк Кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**4-масала.** Банк Бошқарувининг Банкнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2024 йилги асосий вазифаларини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Кузатов кенгаши аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган вазифаларини тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришини маълум қилди ва сўзни Бошқарув раисига берди.

Шундан сўнг, Бошқарув раиси О.Л.Нуманова Банкнинг 2023 йил якунига кўра молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

Банкда Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги меъёрлар асосида тайёрланган 2023 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича жами Активларнинг 9 686 млрд.сўмни, жами Пассив эса 8 629 млрд.сўмни ва хусусий Капитал 1 057 млрд.сўмни ташкил қилганлигини, ўз навбатида мазкур баланс кўрсаткичлари 2022 йил ҳисобот даври якунига мос равишда Активлар 29%га, Пассив 30%на ва хусусий Капитал 22%га ошганлиги, ҳамда

мазкур кўрсаткичларнинг Банк бухгалтерия ҳисоби билан ўртасидаги фарқлари йиғилиш қатнашчиларига тушунтирилди.

Шундан сўнг, Бошқарув раиси О.Л.Нуманова ўз сўзининг давомида Банк фаолиятининг 2024 йилга мўлжалланган бизнес-режа бўйича асосий вазифалар сифатида амалга оширилиши кўзда тутилган режалар билан Банк акциядорларини таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари Бошқарув раисининг ҳисоботи юзасидан саволларига жавоб олдилар. Умуман олганда, Бошқарув раисининг 2023 йил якунлари бўйича фаолияти ижобий баҳоланди.

Ушбу масала мажлис иштирокчилари томонидан атрафлича муҳокама қилинган, қарор матни овозга қўйилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

4.1. “InFinBank” АЖ Банк Бошқарувининг Банкнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2024 йилги асосий вазифалари тасдиқлансин;

4.2. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин;

4.3. “InFinBank” АЖ Бошқарувининг 2023 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**5-масала. Банкнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.**

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Кузатов кенгаши аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ҳамда Банкнинг Дивидендлар тўлаш сиёсатиға мувофиқ, ҳар йили молиявий якун натижаларига асосан олинган соф фойдани тақсимлаш Банк Кенгашининг тавсияси асосида Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши лозимлигини билдирди.

Масаланинг ушбу жиҳатиға тўхталиб, Банк томонидан 2023 йил якуни бўйича эришилган молиявий натижалари бўйича қисқача гапириб ўтди. Ҳисобот йили давомида Банк активларининг, хусусан даромад келтирувчи активларнинг бир маромда ўсиши белгиланган бизнес режа кўрсаткичлари таъминланган. Ўтган ҳисобот йилида банк ресурс манбаларининг оқилона диверсификациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган ишлар даромадлиқ ва ликвидлиқ кўрсаткичларининг мутаносиблигини сақлаш имконини беради. Банк фаолиятининг пировард самарадорлигини белгиловчи 2023 йил якуни бўйича соф фойда кўрсаткичи амалдаги меъёрлар бўйича 250 343 722 069,91 (МҲХС бўйича ташки аудит хулосасига кўра 191 336 494 138,00) сўмни ташкил қилди. Шундан 2023 йилни биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва Акциядорларни йиғилиш қарорларига асосан 140 000 000 000,00 сўм қисми акциядорларға дивиденд сифатида тўланиб, кейинчалик Банкнинг Устав фондига капитализация қилинган, ҳамда 10 000 000 000,00 сўм умумий захира фондига йўналтирилган.

2023 йил якунлари бўйича Банк ва унинг шўъба корхоналарининг молиявий ҳисоботлари консолидациялашган халқаро стандартларға мувофиқлиги тўғрисида “KPMG AUDIT” МЧЖ ташки аудиторлик компанияси томонидан ижобий хулоса билан тасдиқланган.

“InFinBank” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича амалдаги меъёрлар тасдиқланган, ҳамда 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 100 343 722 069,91 (МҲХС бўйича 41 336 949 138) сўмдан умумий захира фондига 2 517 000 000,00 сўмни йўналтириш айтиб ўтилди.

2023 йил якунига кўра олинган соф фойдасидан 38 500 000 000,00 сўмни дивидендга йўналтириш учун юбориш таклиф этилаётгани муносабати билан, мажлис катнашчиларига дивидендларни тўлаш шартлари ва тартибини қуйидагича этиб белгилашни тавсия этишни таклиф этди:

- 2023 йил якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 60,29 сўмдан дивиденд тўлаб бериш;

- 2023 йил якунига кўра дивидендларни пул маблағлари билан қонунчиликда ва Банк Уставида қайд этилган тартиб ва муддатда тўлаб бериш;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2024 йил 28 июнь этиб белгилаш;

- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 27 август этиб белгилаш;

- Банк акциядорлари чиқариладиган акцияларга тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга этиб белгилаш.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

5.1. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 100 343 722 069,91 сўмни ташкил этганлиги ва МҲХС бўйича аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган соф фойданинг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 41 336 949 138,00 сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

5.2. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи якунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 41 336 494 000 сўм қуйидагича тақсимлансин;

- Умумий захира фондига – 2 517 000 000,00 сўм;

- Соф фойдадан - 38 500 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- Соф фойданинг – 319 495 000,00 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

5.3. Банкнинг 2023 йил якунига кўра дивидендларни тўлаб бериш шакли, шартлари ва тартибини қуйидагича белгилансин:

- 2023 йил якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 60,29 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;

- 2023 йил якунига кўра дивидендларни пул маблағлари билан қонунчиликда ва Банк Уставида қайд этилган тартиб ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2024 йил 28 июнь этиб белгилансин;

- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 27 август этиб белгилансин;

- Банк акциядорлари чиқариладиган акцияларга тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**6-масала. Банк Бошқаруви раисини билан тузилган меҳнат шартномасини узайтиришни кўриб чиқиш.**

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Йиғилиш раиси Ф.Ф. Маматджанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-

моддасига кўра, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи, коллегиял ижроия органининг аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар белгиланганлиги ва уларни кўриб чиқиш таклифини киритди.

Қонуннинг 62-моддасига асосан Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси умумий йиғилишга киритилиши лозим.

Қайд этилганларни инобатга олиб, Кузатув Кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисида хулоса билдирилиши керак.

Кузатув Кенгаши аъзолари ва Банк Бошқарув раиси томонидан Банкни ривожлантириш ва бизнес режа ижросини амалга ошириш бўйича самарали ишлар амалга оширилганлиги айтиб ўтилди.

Раислик қилувчи, кун тартибидаги Банк бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини кейинги умумий йиғилишгача узайтириш масаласи бўйича овоз беришни таклиф қилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*6. Банк Бошқарув раиси Нуманова Ольга Леонидовна билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 1 йил муддатга (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) узайтирилсин.*

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**7-масала. Банкнинг 2024 йил фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига ҳақ тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.**

Мазкур масала бўйича Банк Кенгаш аъзоси, Банк Аудитор кўмитаси раиси З.С.Абдуллаев сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59–моддасига асосан, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киришини маълум қилди. Шундан сўнг, З.С. Абдуллаев, йиғилиш қатнашчиларини Аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган тижорат таклифлари билан таништирди.

Бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев, 2024 йил якунлари бўйича Банкда аудит ўтказиш учун “KPMG Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти таклиф қилинсин ва унинг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 495 000 000,00 (икки миллиард тўрт юз тўқсон беш миллион) сўм этиб белгилашни таклиф қилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*7. 2024 йил якунлари бўйича Банкда мажбурий аудит ўтказиш учун “KPMG Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти таклиф қилинсин ва унинг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 495 000 000,00 (икки миллиард тўрт юз тўқсон беш миллион) сўм этиб белгилансин.*

Овоз бериш натижалари:

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

**8-масала. Банкнинг эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.**

Мазкур масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Банкнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқаришига ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 250 000 000 (икки юз эллик миллион) донга оддий эгасининг номи ёзилган акциялардан иборатлигини қайд этди. Хозирда ушбу эълон қилинган акциялардан 200 000 000 (икки юз миллион) донга Кузатов кенгаши қарори билан чиқарилгани, ҳамда улардан бугунги кун ҳолатига 138 565 716 (бир юз ўттиз саккиз миллион беш юз олти беш минг етти юз ўн олти) донга тўлиқ жойлаштирилгани айtilди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига кўра, Банкнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкинлиги ва кўшимча акциялар фақат жамият уставига белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Банк томонидан жойлаштирилиши мумкинлигини таъкидлади.

Банкни ривожлантириш, белгиланган истиқболли режалар ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Банклар устав фондининг (устав капиталининг) минимал миқдорига ҳуқуқат томонидан белгиланган талаблар ўзгарган тақдирда, устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга эҳтиёж юзага келиши мумкинлиги ҳолатидан келиб чиқиб, эълон қилинган акциялар сонини номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 400 000 000 (тўрт юз миллион) донга етказиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилаётгани айtilди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*8. Банкнинг эълон қилинган акциялари миқдорини номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 400 000 000 (тўрт юз миллион) донга эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга етказилсин.*

**Овоз бериш натижалари:**

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

**9-масала. Банк Акциядорларининг 2024 йил 05 мартдаги умумий йиғилиши кун тартибидаги 4 ва 5 масалалар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш.**

Мазкур масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Банкка тегишли бўлган бинода қурилиш-монтаж ишлари якунланиши муносабати билан Банкнинг жойлашган ери (почта манзили) 100029, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кучаси, 1-уй манзилдан, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек, Мустақиллик МФЙ, Мустақиллик шох кўчаси, 17-б уй манзилига ўзгартириш масаласи Банк акциядорларининг 2024 йил 05 март кундаги умумий йиғилишида кўриб чиқилган ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Банк манзилини ўзгартириш бўйича тегишли қарор қабул қилинганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 30.06.2020 йилдаги 3252-сонли “Банк фаолиятига руҳсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомига асосан банкнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш тўғрисида банкнинг ваколатли бошқарув органининг асосланган қарорига мувофиқ амалга оширилади ва хизмат кўрсатиш кўзда

тутилаётган жойдаги Марказий банк худудий бош бошқармасининг банкнинг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси олинади. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан “InFinBank” АЖнинг киришни назорат қилиш ва бошқариш тизимида камчиликлар борлиги ва ушбу тизимга қўшимча ускуналар ўрнатиш бўйича талабларини инобатга олган ҳолда, Банкнинг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси берилмаган.

Шунингдек, Банк акциядорларининг 2024 йил 05 март кунидаги умумий йиғилишида Банк Уставига Банк манзили ўзгариши билан боғлиқ ўзгартириш киритиш масаласи кўриб чиқилган ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банкнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан қўйилган талаблар бажарилгунига ва камчиликларни бартараф этилгунига қадар, 2024 йил 05 мартдаги акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 4 ва 5 масалалар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш масаласи бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилаётгани айтилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

9. “InFinBank” АЖнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан қўйилган талабларни бажарилгунигача ва камчиликлар бартараф этилгунига қадар, Банк акциядорларининг 2024 йил 05 мартдаги умумий йиғилиши томонидан Банк манзилини ўзгартириш ҳамда манзил ўзгариши билан боғлиқ “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш бўйича қабул қилинган қарорлари бекор қилинсин.

**Овоз бериш натижалари:**

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

**10-масала. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш.**

Мазкур масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, Банк Уставига Банкнинг эълон қилинган акциялари миқдорини номинал қиймати ва сони билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш лозим эканини ва мажлис иштирокчиларини “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мажлис раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз бериш учун якуний қарорларни эълон қилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

10. “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**11-масала. Банкнинг ички низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига ““InFinBank” АЖ Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида” Низомининг амал қилиш муддати тугаётганлиги сабабли, ушбу ички меъёрий ҳужжатни янги таҳрирда қўриб чиқиш ва маъқуллаш лозимлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга асосан, тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари банк амалиётларини қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширишнинг батафсил, аниқ тартибини ўрнатиб, мазкур банк раҳбарлари ва ходимлари учун ижро этилиши мажбурий бўлган қўлланма вазифасини бажаради. Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари банкларда самарали ички назорат тизимини яратиш, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликни самарали бошқариш (таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, кузатиш)ни, хавфсиз ва соғлом банк фаолиятини юритишни, банк қонунчилигига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш ва банк операцияларини амалга оширишни қулайлаштириш мақсадида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Банк Кенгашининг тавсияларига таяниб, Банкни стратегик бошқаришда унинг самарадорлигини ошириш ва замонавий корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш мақсадида, ““InFinBank” АЖ Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида” Низоми акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш зарурлигини маълум қилди.

““InFinBank” АЖ Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида” Низоми амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мажлис раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз бериш учун якуний қарорларни эълон қилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*11. ““InFinBank” АЖ Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида” Низоми 2-шловага мувофиқ тасдиқлансин.*

**Овоз бериш натижалари:**

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**12-масала. Банкнинг 2024 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.**

Мазкур масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, 2024 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг соф фойдаси 36 471 038 000,00 сўмни ташкил этганлигини ва 2024 йил 1-чорак якуни бўйича Банкнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хулоса билан тасдиқланганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ҳамда Дивидендлар тўлаш

сиёсатига мувофиқ, Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлилиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиш раиси Банк Кенгаши томонидан Банк акциядорлари умумий йиғилишига Банкнинг 2024 йил 1-чорак якунига кўра олинган 34 277 931 000,00 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш таклиф этилганлигини маълум қилди:

- 2024 йил 1 - чорак якуни бўйича соф фойдадан 23 600 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- 2024 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 10 677 931 000,00 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдириш;

- 2024 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 34,88 сўмдан дивиденд тўлаб бериш;

- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб бериш;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2024 йил 28 июнь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2024 йил 27 август этиб белгилаш;

- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилаш.

#### **Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*12.1. Банкнинг 2024 йил 1 - чорак якуни бўйича 34 277 931 000,00 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:*

*- 2024 йил 1 - чорак якуни бўйича соф фойдадан 23 600 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;*

*- 2024 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 10 677 931 000,00 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин;*

*- 2024 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 34,88 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;*

*- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;*

*- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2024 йил 28 июнь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2024 йил 27 август этиб белгилансин;*

*- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.*

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 638 565 716 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бегараф – йўқ.**

#### **ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:**

*Қун тартибидаги биринчи масала бўйича:*

1. Санок комиссиясининг таркибига, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар, қуйидаги номзодлар тасдиқлансин.

1. Атамирзаев Жаҳонбек Махмуджонович;

2. Мусаев Хафиз Агзамович;

3. Алимов Баходир Аллабергенович.

*Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:*

2. “InFinBank” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

*Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:*

3. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил фаолияти яқуни бўйича Банк Кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

*Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:*

4.1. “InFinBank” АЖ Банк Бошқарувининг Банкнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2024 йилги асосий вазибалари тасдиқлансин;

4.2. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин;

4.3. “InFinBank” АЖ Бошқарувининг 2023 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

*Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:*

5.1. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил яқуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи яқунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 100 343 722 069,91 сўмни ташкил этганлиги ва МҲХС бўйича аудиторлик ҳулосаси билан тасдиқланган соф фойданинг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи яқунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 41 336 949 138,00 сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

5.2. “InFinBank” АЖнинг 2023 йил яқуни бўйича тасдиқланган соф фойданинг 2023 йил биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи яқунларига кўра дивидендлар тўланганидан сўнг қолган қисми 41 336 494 000 сўм қўйидагича тақсимлансин;

- Умумий захира фондига – 2 517 000 000,00 сўм;

- Соф фойдадан - 38 500 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- Соф фойданинг – 319 495 000,00 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

5.3. Банкнинг 2023 йил яқунига кўра дивидендларни тўлаб бериш шакли, шартлари ва тартибини қўйидагича белгилансин:

- 2023 йил яқунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 60,29 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;

- 2023 йил яқунига кўра дивидендларни пул маблағлари билан қонунчиликда ва Банк Уставида қайд этилган тартиб ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2024 йил 28 июнь этиб белгилансин;

- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 27 август этиб белгилагсин;

- Банк акциядорлари чиқариладиган акцияларга тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

*Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:*

6. Банк Бошқарув раиси Нуманова Ольга Леонидовна билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 1 йил муддатга (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) узайтирилсин.

*Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:*

7. 2024 йил яқунлари бўйича Банкда мажбурий аудит ўтказиш учун “KPMG Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти таклиф қилинсин ва унинг хизматлари учун тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 2 495 000 000,00 (икки миллиард тўрт юз тўқсон беш миллион) сўм этиб белгилансин.

*Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:*

8. Банкнинг эълон қилинган акциялари миқдорини номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 400 000 000 (тўрт юз миллион) дона эганисининг номи ёзилган оддий акцияларга етказилсин.

*Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:*

9. “InFinBank” АЖнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан қўйилган талабларни бажарилгунигача ва камчиликлар бартараф этилгунигача қадар, Банк акциядорларининг 2024 йил 05 мартдаги умумий йиғилиши томонидан Банк манзилини ўзгартириш ҳамда манзил ўзгариши билан боғлиқ “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш бўйича қабул қилинган қарорлари бекор қилинсин.

*Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:*

10. “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:*

11. ““InFinBank” АЖ Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида” Низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:*

12.1. Банкнинг 2024 йил 1 - чорак якуни бўйича 34 277 931 000,00 сўм соф фойдаси қўйидагича тақсимлансин:

- 2024 йил 1 - чорак якуни бўйича соф фойдадан 23 600 000 000,00 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;

- 2024 йил 1-чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 10 677 931 000,00 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин;

- 2024 йил 1-чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 34,88 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;

- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2024 йил 28 июнь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2024 йил 27 август этиб белгилансин;

- Банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни чиқариладиган акцияларга тўлов сифатида юбориш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “03” 07 2024 йил.

Йиғилиш раиси

Ф.Ф. Маматджанов

Йиғилиш котиби

Л.У. Рахматуллаева